

1 м<sup>3</sup> сув учун тариф киймати-700сум  
ККС ва махсус устама ҳақ билан- 855 сўм

## СУВ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА 2021 - СОНЛИ ШАРТНОМА

2021 йил 28 11 Бухоро шаҳар

Ушбу шартнома “Дамхўжа сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён “Таъминотчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Жамолов Қодир Рамазонович, шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, 2021 йил 23 ноябрда тасдиқланган 121-сонли Ишоннома асосида фаолият юритувчи бош директорнинг ходимлар ва мамурий масъалалар бўйича ўринбосари Қ.Х. Татаров, иккинчи томондан куйидагилар ҳақида тузилди:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га О‘ЗДСт 950: 2011 “Ичимлик сувининг гигиеник талаблари ва сифат назорати” амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилади.

“Таъминотчи” “Истеъмолчи”га 2022 йилда 100 минг м<sup>3</sup> ичимлик суви **УМУМИЙ 85 500 минг сўм**, шундан ККС 10 500 минг сўм ва махсус устама 5000 минг сўм кийматида етказиб бериш мажбуриятини олади (Сув таъминоти объекти – “1-МЗ” ЎБга қарашли “Қарақўстан” қони)

1.2. “Истеъмолчи” ўрнатилган мулкдагилар ичида “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 16 ноябр кунда қабул қилинган ПҚ-5241-сонли “Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўлов интизомини тўбдан тақомиллаштириш тўрисида”ги Фармони, Навоий вилоят ҳокимининг 2019 йил “11” апрелдаги Қ-69 сонли қарорига мувофиқ тарифга 1 м<sup>3</sup> учун 50 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган, ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақлим қилинган коммунал сув етказиб бериш учун руҳсат эгувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Ушбу шартномани тузиш вақтида “Истеъмолчи” сув қувур тармоқларига уланган мавжуд сув истеъмолчиларининг рўйхатини тақлим этади.

### II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовиллар, пиёдалар йўлакчаларига ўрнатилган вақддан ташқари сув сегиш ҳамда ичимлик сувидан автоташкинларни янги ўқун фойдаланиш қатъийан ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви “Истеъмолчи” (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнги илгари ўчириш шунингдек, ичимлик суви талаб этилгандаги технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, иктисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Ҳисоблаш қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказининг махсус аккредитациясидан ўтган органлар томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлچаш тармони сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминлиши лозим.

2.4. Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлچаш қурилмасининг шартли ўлчашининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектининг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилган ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол микроидан кам микрода сув истеъмол қилинганда, “Таъминотчи” сув ўлчаш тармотини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилганда ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмади ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибга амалга оширилади.

2.5. Сув ўлчаш-реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишла тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини аямаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланishi “Истеъмолчи” томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчи”нинг сўрономаси асосида барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” бурортмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёрлий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланishi лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.6. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилгиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.7. Алар сув таъминоти хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.8. “Истеъмолчи” дан лимитдан ортқича сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

### III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” дан у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига

хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Тъьминотчи” дан хисоблаш қурлимасини ўрнатип, ўрнатилган тартибда уни “Истеъмолчи” (суб-истеъмолчи) хисобидан амалга оширишни талаб қилиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув талабларини бажармаганлиги учун “Тъьминотчи” дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарим (пеня)лар тулашни талаб қилиш;

г) “Тъьминотчи” ни шартномани бекор қилиш тўғрисида унинг бекор қилинишидан камиди 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақили орқали) бепул олиш;

е) “Тъьминотчи” дан ичимлик сув таъминоти хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тарғибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

### **3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:**

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва қурималарининг мувофиқ равишда кўрикланишини, уларга сув топиши ёки шикастланишига, музаба қолишига йўл қўймаслик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Тъьминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, ённинг қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ённинг қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури ва қурималарининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури ва қурималарининг устидан иншоотлар қуримаслигини, шу жумладан, ташқи (куча ва қавртга ичидаги) сув қувури ва қурималарининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик;

г) коммунал сув қувури, қурималарининг транзит нүкталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Тъьминотчи” ни хабардор қилиш;

д) сувни хисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда, ҳамда хисобга олинмаган ённинг қарши гидрантлар маъжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Тъьминотчи” га хабар бериш;

е) “Тъьминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ

ёзиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Тъьминотчи” га жорий ойнинг охириги кундан қечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортгк ҳажмда сувни сарф қилинишига йўл қўймаслик;

ж) “Тъьминотчи” ни ўз вақтида сув ўтказиш хўжалигидаги банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Тъьминотчи” га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва мосламаларини лозим даражадаги техник эксплуатациясини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармони, коммунал сув ўтказиш ишларининг бажарилишига шикаст етказган “Истеъмолчи” дарҳол м) жамоат сув объектларига шикаст етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Тъьминотчи” га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Тъьминотчи” техник назорати остида ўзиекзайидаги шикастланишни бартараф этиш ва беҳудда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

### **3.3. “Тъьминотчи” нинг хўқуқлари:**

а) “Тъьминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчинини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш хўқуқига эга;

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш, мослама ва қурималарининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини “Тъьминотчи” вақиллари талабига кўра бартараф этмаса;

в) “Тъьминотчи” вақиллари талабига кўра бартараф этилган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш, мослама ва қурималарига ишлар олиб бориш, тамга ўрнатил ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалқикт беришган тақдирда;

г) “Тъьминотчи” томонидан режалли олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ишлар бажариллиши, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса ва янги “Истеъмолчи” ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи” нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминотида ўзбoшимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хўқуқларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Тъьминотчи” нинг розилигини олган суб-тъьминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти хизматларига уланишига рад жавобини бераганда;

ж) “Истеъмолчи” томонидан коммунал сув таъминоти хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ённинг чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

### **3.4. “Тарминотчи”нинг мажбуриятлари:**

- а) сув тарминоти бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишинини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув тарминоти, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув тарминотининг ҳолатини ва ишнини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар суьдан оқилона фойдаланиш ва суьдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, суьни етказиб бериш ва истеъмол қилишни катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, санатга мувофиқлигини муьтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) “Истеъмолчи”ларга индвидуал хисоблаш қурилмаларини ўрнатилган тартиб ва муьдатларда уларнинг ишнини Бюро билан биргаликда текшириш;
- д) “Истеъмолчи”лар суь қувуру хўжалигининг текширишни (индвидуал хисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва тегишли даволатномаларни тузиш;
- е) “Истеъмолчи”га ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларда, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;
- ё) сув тарминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;
- ж) суь етказиш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари олганда, улар қучта қирган кундан бошлаб, 15 кун ичида оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;
- з) ичимлик суь тарминоти учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. “Тарминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. “Истеъмолчи” қуйидагилар учун жавобгардир:

- а) суь хисоблаш қурилмасидати тамғалар, айланлиш чизиги жўмрати, гидрантлар ва бошқа суь узатиш мосламаларидати қисмларнинг унинг худудида ва тасарруфиди бўлган тамғаланган хисоблаш қурилмаларининг бутлилиги ва сақланиши учун;
- б) суь тармоқларига ўз бошимча уланлиб олиш, совуқ суьни хисобга олиш қурилмаларининг касолдан бузилишига йўл қуйиш ҳақида суь хисоблаш қурилмаларидати кўрсаткичларни ташқаридан арилган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;
- в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;



- г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолларда;
- 4.3. “Тарминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:
- а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатиётган суьнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
  - б) “Истеъмолчи”ларга суь тарминотига уланлиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
  - в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;
  - г) шартнома шартлари ва қўялган мажбуриятларни бажармаслик;
  - д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

### **V. СУВ ТАЪМИНОТИ УЧУН ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Қоммунал суь тарминоти тизимидан қабул қилинган суьнинг хисоби хисоблаш қурилмаси мажбул бўлганда, хисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. “Истеъмолчи” автоном суь тарминоти (қудуқ, очик суь олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га эга бўлган ҳолларда, “Тарминотчи” билан шартнома тузиш учун махсус табиий суь объектларидан махсус суь олиш ёки истеъмол қилиш учун руҳсантомани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

### **VI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

6.1. “Истеъмолчи”нинг суь узатиш хўжалигидаги барча ўзгартишлар “Тарминотчи” томонидан “Истеъмолчи”нинг хаги келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.2. “Истеъмолчи” томонидан сарфланган суь ҳажми ўрнатилган суьни хисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича аниқланиши лозим.

6.3. Суьни хисобга олиш асбоби “Истеъмолчи”нинг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган суь миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар суьни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муьдат мобайинда ўрнатилмас, сарфланган суь миқдори “Истеъмолчи” учун - ушбу Шартноманинг 6.4-банди бўйича хисоб-китоб қилинади.

6.4. Етказиб беришган ёки қабул қилинган ичимлик суьни ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнаинг календар кунлари хисобидан қуйидаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали суь сарфи коэффициенти;

$F$  – суьқисқик оқиб ўтадиган қувуру ёки тешиқ кесими майдони (ички диаметр бўйича) м<sup>2</sup>;

$g$  – 9,81 м/сек.га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – суьнинг метрлардаги босими;  
 $t$  – вақт, 24 соат, секундларда.



## Куйдлагч холатларда:

6.4.1. "Истеъмолчи"нинг сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган холатларда (ёки носоз холатда);

6.4.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Тарминотчи"да рўйхатдан ўлмаган тақдирда;

6.4.3. Ичимликсувидан ўзошимччилик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналаровилганда;

6.4.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган холатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.2 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган даволатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.4.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви исроф бўлиши холатлари аниқланган холатларда;

6.4.6. "Тарминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламата алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган холатларда;

6.4.7. Сув ўлчаш асбобини давлат назоратидан ўтказиш муддатлари (тўрт йилда бир марта)га амал қилинмаганда;

6.4.8. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган химоя колламитга руҳсатсиз тегилиш нагжжасида, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имконияти ничегараланганда;

6.5. Ичимлик суви таъзимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзошимччилик билан уланиб олинган ва фойдаланилган холатлар аниқланганда, "Тарминотчи" ходими томонидан даволатнома тузилади ва шу тузилган даволатнома ўзошимччилик билан уланиб олган шахсинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Тарминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган даволатнома санасидан ўзошимччилик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзошимччилик билан уланиш ўзиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

ўзошимччилик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Тарминотчи" балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзошимччилик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.6. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойиҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган холларда "Тарминотчи" томонидан сув таъминотини тўхтатиш учун асос бўлади.

6.7. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминотига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган холатларда "Тарминотчи" томонидан ҳоким қарори, қадасир ҳужжатларива шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳаққилдир.

6.8. Ишлатилган ичимлик суви учун тўловлар "Тарминотчи" томонидан тақдим этилган хисоб-фактуралар асосида улартга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 15 кун муддат ичида амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Тарминотчи" қечиктирилган тўловнинг ҳар бир кун учун 0,4% пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.9. "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим қасалари орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўлалади.

6.10. "Тарминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдорда олдидан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агарда "Истеъмолчи" икки ҳафта ичида тўловларни амалга оширмаса, "Тарминотчи" "Истеъмолчи"ни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчини ичимлик суви таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан ўзиб қўйиш йўли билан ундирриш чораларини қўради.

Бундай холларда ёнгиндан сақланиш ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти илгари ўзиб қўйилган холларда қайта улашда III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблагларни ўтказиш орқали ундиррилади;

6.11. Ҳисоб-китобларнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобга олинганлиги ва шу қабил холатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатга "Тарминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатга тўлашдан озоқ қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Бухоро туманлар аро иқтисодий судида қўрилади ва бартараф этилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланмаган холатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. ФОРС – МАЖОР

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари (зилизи, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жапа ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мажкур шартноманинг бажарилишига бевоСИТА таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озоқ этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тўзилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилинади, ёки тарафлардан бири бўлмиш истъёмолчи етказиб берувчинини огоҳлантирган ҳолда, тўловларни тўлиқ тўлаган кунга қадар амал қилинади.

### X. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЪЁМОЛЧИ»

«Дамхўжа сув таъминот» МЧЖ

«Навоий кон-металлургия қўшма шirkати» АЖ

Бухоро шаҳар Ибн-Сино кўчаси 9-ўй

Манзили: Навоий ш., Навоий к., 27 уй

х/р 22638000800309869540

Тел: 79 2272440, факс: 7922-77-545

Банк коди: 000888

х-р 2021 0000 5053 9837 2001

АИТБ Интернет Бухоро шаҳар

Банк: Миллий банк, Навоий ш.

СТПР : 201514224

МФД 00196

ХТТУТ : 90213

СТДР 308425864

Тел: (8595) 600 -72-60;

ЦФУТ 24410

Факс: (8365) 225 - 54 - 41

Эл почта: Daitxodja@mjko.uz



Сув таъминоти бўлими:

*[Signature]*

(ИМЗО)

(Ф.И.О)

Арибаев Б.Б.  
tel.: 2272-452

*[Signature]*

*[Signature]* 22.12.2024

*[Signature]*